

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. San.51.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**

**ИСМОИЛОВ АНВАР ХАМДАМЖОНОВИЧ**

**ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ДРАМА ТЕАТРИ РЕЖИССУРАСИ  
ТАРАҚҚИЎТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ (1991-2016 йй)**

**17.00.01 – Театр санъати**

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2019**

УЎК: 792.075:792.2(575.1)(043.3)

Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по искусствоведению

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on art sciences

**Исмоилов Анвар Хамдамжонович**

Замонавий ўзбек драма театри режиссураси тараққиётининг  
асосий йўналишлари (1991-2016 йй.)..... 3

**Исмоилов Анвар Хамдамжонович**

Основные направления развития режиссуры современного узбекского  
драматического театра (1991-2016 гг.)..... 23

**Ismoilov Anvar Khamdamjonovich**

The main trends of development of directing in the modern Uzbek drama  
theatre (1991-2016 y.) ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 44

Автореферат “O’zDSMI xabarlari” журнали тахририятида  
тахрирдан ўтказилди

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМЙЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. San.51.01. РАҚАМЛИ ИЛМЙЙ КЕНГАШ**  
**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**

**ИСМОИЛОВ АНВАР ХАМДАМЖОНОВИЧ**

**ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ДРАМА ТЕАТРИ РЕЖИССУРАСИ  
ТАРАҚҚИЎТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ (1991-2016 йй)**

**17.00.01 – Театр санъати**

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Босишга рухсат этилди: 14.03.2019 йил  
Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «Times New Roman»  
гарнитурда рақамли босма усулда чоп этилди.  
Шартли босма табағи 2,85. Адади 100. Буюртма № 9

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси  
Асосий кутубхонаси босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй.

**Тошкент-2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/San24 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fineartins.uz](http://www.fineartins.uz)) ва “Ziynet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Тўлахўжаева Муҳаббат Туробовна**  
санъатшунослик фанлари доктори,  
профессор

**Расмий оппонентлар:** **Қодирова Дилафруз Мухсиновна**  
санъатшунослик фанлари доктори

**Ахмаджонова Муқаддас Ваҳобовна**  
санъатшунослик фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби**

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017.San.51.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони, 2. Тел.: (99871) 2394667, факс: (99871) 2391771. e-mail: [siti1928@mail.ru](mailto:siti1928@mail.ru)).

Диссертация билан ЎЗР ФА Санъатшунослик институти кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони, 2. Тел.: (99871) 2394667, факс: (99871) 2391771. e-mail: [siti1928@mail.ru](mailto:siti1928@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2019 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2019 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги реестр баённомаси).

**А.А.Ҳақимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
санъатшунослик фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
академиги, Ўзбекистон Бадий академияси  
академиги

**Н.Ғ.Каримова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
котиби, санъатшунослик фанлари номзоди,  
катта илмий ходим

**И.А.Мухтаров**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси,  
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

13. Исмоилов А. Саҳнада замондош образини яратиш – миллий ўзликни англашдаги устувор вазифа сифатида // Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2016. –Б. 178-181.

14. Исмоилов А., Исмоилов Ҳ. Режиссерские поиски в интерпретации исторического образа на сцене узбекского театра // Материалы XII Международной научной конференции. – Баку, 2018. –С. 67-69.

**ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ  
СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ  
LIST OF PUBLISHED WORKS**

**I бўлим (I часть; Part I)**

1. Исмоилов А. Комедия асарларини саҳналаштиришда режиссёрлик изланишлари ва топилмалари // Театр. – Тошкент, 2018. - № 2. –Б. 14-17. (17.00.00; № 8).
2. Исмоилов А. Замонавий ўзбек театри режиссураси ва жаҳон мумтоз драматургияси // ЎзДСМИ Хабарлари. – Тошкент, 2018. - № 3. –Б. 83-87. (17.00.00; № 12).
3. Исмоилов А. Ёшлар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришда театр режиссёрлик санъатининг ўрни ва аҳамияти // Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2016. – Б. 248-250.
4. Исмоилов А. Ўзбек театри режиссураси изланишларида майдон томошаси анъаналарининг ифодаси // Ёш олимлар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Термиз, 2017. –Б. 126-127.
5. Ismoilov A. Stage interpretation of a world classic play in the modern Uzbek theatre // European science review. –Vienna, Austria. 2018, № 9-10. (№5; GIF: 1.26. –Pp.102-103).
6. Исмоилов А. Сценическое воплощение образов великих предков и национальных обычаев в режиссерских поисках современного узбекского театра // Материалы международной научно-практической конференции. – Махачкала, 2017. –С. 60-62.
7. Исмоилов А. Ўзбек театри режиссурасининг Шарқ алломалари образини талқин қилишдаги изланишлари // Халқаро илмий-назарий ва амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2018. –Б. 176-179.
8. Исмоилов А. Театр режиссураси ва миллий маънавият // Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Нукус, 2016. –Б. 239-243.
9. Исмоилов А. Мирзо Улуғбек образининг саҳнавий талқини // Халқаро илмий-назарий ва амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2016. –Б. 134-138.

**II бўлим (II часть; Part II)**

10. Исмоилов А. Дарахтлар тик туриб жон беради // Театр. – Тошкент, 2016. - № 1. –Б. 35-39. (17.00.00; № 8).
11. Исмоилов А. Режиссураимиз бугуни ва истикболи // Театр. – Тошкент, 2016. - № 5. –Б. 28-30. (17.00.00; № 8).
12. Исмоилов А. Ўзбек Миллий академик драма театрида тарихий асарларнинг саҳнавий талқини // ЎзДСМИ Хабарлари. – Тошкент, 2017. - № 2. –Б. 34-39. (17.00.00; № 12).

**КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замонавий жаҳон театри ривожда профессионал даражадаги режиссёрлик изланишлари устувор йўналишлардан бири бўлиб турибди. Дунё театри режиссёрлари бир томондан театрни ҳаётга максимал яқинлаштириш, иккинчи томондан эса муаллифнинг асл манбасини бутунлай ўзгартирган ҳолда, ўз тасавурида вужудга келган янгича воқеликни шартли-мажозий шаклда саҳнага олиб чиқишга интиляпти. Қатор хорижий мамлакатларда юксак фикрлай оладиган, замон тараққиётдан олдинда юрадиган, режиссуранинг шаклланиш босқичларида юзага келган анъаналарни чуқур англаб, новаторлик изланишларини олиб борадиган профессионал режиссёрларнинг ижодини халқаро миқёсда юзага чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон театршунослик илмида замонавий режиссурадаги турли тенденцияларни, театр санъати шаклланиш босқичларидаги асосий йўналишларни аниқлаш, бугунги режиссёрлик изланишларини чуқур тадқиқ этиш тобора долзарблик касб этмоқда. Тадқиқотларда режиссурага яхлит санъат тури сифатидаги қарашлар шаклланиши, замонавий режиссёрлик ижодида бугунги ижтимоий ҳаётнинг саҳнавий минимализм, авангард шакллар, фикрлар тўқнашуви асосида акс этаётгани, спектаклларда театр санъатининг кино, рангтасвир, цирк санъатига хос услублар ва йўналишлар билан синтези юз бераётгани каби масалалар қамраб олинган.

Замонавий ўзбек драма театри режиссураси тараққиётининг асосий йўналишлари, режиссёрларнинг ижодий тажрибаларини аниқлаш, мустақиллик даврида режиссёрлик санъатининг кўплаб тенденциялар асосида ривожланаётганини асослаб бериш долзарб аҳамиятга эга. “Хурмагли театр арбобларимиз ўзларининг матбуот ва телевидениедаги чиқишларида кўпинча маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Театр – ибратхонадир” деган ҳикматли сўзларини келтиришни яхши кўрадилар. Лекин мана шу доно сўзларни фақат оғизда айтмасдан, ўз фаолиятимизда уларга амал қилсак, айни муддао бўларди”<sup>1</sup>. Давлат раҳбарининг мазкур мулоҳазалари ўзбек театри ва театршунослик илми олдидаги вазифаларни аниқ белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сонли “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022-сонли “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сонли “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // “Халқ сўзи”, 2017, 4 август.

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги 9-сонли “2018-2022 йилларда давлат театрларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Қарориди белгиланган муҳим вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши ва устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, адабий, тарихий ва диний қадриятлар, миллий ғоя, эстетик-бадиий тарбия, санъат, моддий ва номоддий маданий мерос, миллий давлатчилик тарихини тадқиқ этиш” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳоннинг кўплаб театршунос олимлари ва режиссёрлари театр ва кино режиссёрлиги санъатига оид бир қатор илмий изланишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, Т.Коул ва К.Чиной, Ж.Льюр, С.Бергер, Э.Богарт режиссура тарихи ва назарияси бўйича муҳим илмий-тадқиқотлар олиб борди<sup>2</sup>. Э.Торнквист, Д.Р.Жонс, А.Хоровиц, К.Б.Итон эса конкрет режиссёрларнинг ижодий фаолияти орқали мазкур соҳадаги айрим муаммо ва унинг ечимлари хусусида ўз тадқиқотларида ёритди<sup>3</sup>. Шунингдек, К.Станиславский, Вл.И.Немирович-Данченко, Вс.Мейерхольд, А.Таиров, Г.Товстоногов, Ю.Завадский, А.Попов, А.Гончаров, К.Рудницкий, М.Бояджиев, Н.Акимов, А.Эфрос, Б.Захава, Н.Горчаков<sup>4</sup> кабиларнинг асарларида режиссура бўйича назарий мулоҳазалар билдирилган.

Юртимизга европа типдаги ўзбек театри кириб келганидан то бугунги кунга қадар бўлган қатта давр ичида режиссёрлик санъатида кузатилган ижодий тажрибалар, изланишлар кўпгина тадқиқотчилар томонидан турли даражада ўрганилди. Режиссура соҳасини яхлит тарзда

<sup>2</sup> Cole T., Chinoy H.K. Directors on directing: A source book of the Modern theatre. – Indianapolis, Bobbs-Merrill. 1963. – 464 p.; Luere J., Berger S. Playwright versus Director: Authorial Intentions and Performance Interpretations. – Westport, CT, Greenwood press. 1994. – 180 p.; Luere J., Berger S. The theatre team: playwright, producer, director, designers and actors. – Westport, CT, Greenwood press. 1998. – 163 p.; Bogart A. A director prepares. – London, Routledge. 2001. – 158 p.

<sup>3</sup> Tornqvist E. Between stage and screen: Ingmar Bergman directs. – Amsterdam University Press. 1995. – 244 p.; Jones D.R. Great directors at work: Stanislavsky, Brecht, Kazan, Brook. – Berkeley, CA, University of California Press. 1986. – 289 p.; Horowitz A. Prospero's "True Preservers": Peter Brook, Yukio Niginawa, and Giorgio Strehler. – Newark, DE, University of Delaware Press. 2004. – 227 p.; Eaton K.B. The theater of Meyerhold and Brecht. – Westport, CT, Greenwood Press. 1985. – 172 p.

<sup>4</sup> Станиславский К. Собрание сочинений, 8 том. – М. Искусство. 1959; Немирович-Данченко Вл.И. Статьи. Речи. Беседы. Письма. – М. Искусство. 1952. – 443 б; Мейерхольд Вс. Статьи, письма, речи, беседы. – М. Искусство. 1968. – 643 б; Таиров А.Я. Записки режиссера. Статьи. Беседы. Речи. Письма. – М. ВТО. 1970. – 603 б; Товстоногов Г. Зеркало сцены. 2 том. – Л. Искусство. 1984; Завадский Ю. Рождение спектакля. – М. ВТО. 1975. – 144 б; Попов А. Художественная целостность спектакля. – М. ВТО. 1959. – 291 б; Гончаров А. Поиски выразительности в спектакле. – М. Искусство. 1964. – 144 б; Рудницкий К. Театральные сюжеты. – М. Искусство. 1990. – 464 б; Бояджиев Г. От Софокла до Брехта за сорок театральных вечеров. – М.ГИТИС. 2009. – 419 б; Акимов Н. О театре. – Л.-М. Искусство. 1962. – 351 б; Эфрос А. Репетиция – любовь моя. М. Искусство. 1975. – 319 б; Захава Б.Е. Мастерство актера и режиссера. – М. Просвещение. 1978. – 334 б; Горчаков Н. Работа режиссера над спектаклем. – М. Искусство. 1956. – 464 б.

## INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)

**The aim of the research work.** The main aim of the work is to determine the main trends of development of the directing of the modern Uzbek drama theater, his traditions and innovative searches.

**The object of the research work.** The object of the dissertation selected the main development trends, traditions and innovative searches of the direction of modern Uzbek Theater and their expression in performances.

### **The scientific novelty of the research work:**

identified the development of directors of plastic, imaginative and expressive solutions of the performances on the principles of "truthfulness" and "conventionality";

the appearance of the tendency to use in the performances of folk-ethnographic representations of the traditions of the performing school of maskharaboz, jesters, imitators is revealed;

determined the use of natural play of actors in accordance with conditionally-metaphorical expressive means in the formulation of socio-psychological dramas;

substantiated the emergence in the direction of a new era of the phenomenon of author's performances, imbued with a philosophical and poetic orientation based on pantomime, choreography and symbolism in the scenery.

### **Implementation of the research results:**

the recommendations and suggestions related to the training and exchange of directors, creative comprehension of national and world classics were used in organizing the Republican Review-Festival of Theatres of Uzbekistan “Seni kuylaymiz, zamondosh!”, the Republican Review-Festival of Young Directors “Debut” (reference the Ministry of Culture of the Republic of Uzbekistan № 01-11-05-3478 of the 22 May 2018y). As a result scientific reasoning and conclusions of the dissertation served in the creation of artistic and holistic performances, serving to the formation of the spiritual world and the aesthetic taste of the audience, a comprehensive study of the direction of the Uzbek Theater of the independence period.

the scientific and practical conclusions on the application of natural play of actors in accordance with conditionally-metaphorical expressive means in the formulation of socio-psychological dramas were used in the “Teatrdan report” telecast in the State Unitary Company “Madaniyat va ma’rifat” of the Uzbek National TV and Radio Company. (reference the State Unitary Company “Madaniyat va ma’rifat” of the Uzbek National TV and Radio Company № 01-16/65 of the 12 February 2019y). In the television program “Teatrdan reportaj”, the main directions, trends, traditions and innovations of the direction of the modern theater, shortcomings in the ideological integrity of the performances and the creation of the modern hero, issues of professionalism in the direction were analyzed with the help of scientific reasoning and conclusions of the dissertation student, it served to improve many performances in the repertoire of the metropolitan and regional theaters.

**The structure and volume of the thesis:** The dissertation consists of an introduction; three chapters, a conclusion and references. The size of the research is 145 pages.

The theme of PhD dissertation has been registered by the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under the number №B2018.3.PhD/San24.

The dissertation has been prepared at the Uzbekistan State institute of arts and culture.

The abstract of the PhD dissertation is posted in three language (Uzbek, Russian and English (resume)) on the websites of Scientific Council (www.fineartins.uz) and Informational-educational portal «ZiyoNET» (www.ziyo.net.uz).

**Scientific adviser:** **Tulakhodjaeva Mukhabbat Turabovna**  
Doctor of art history, professor

**Official opponents:** **Kadyrova Dilafuz Mukhsinovna**  
Doctor of art history

**Akhmedjanova Mukaddas Vakhobovna**  
Candidate of art history

**Leading organization:** **Tashkent state school of national dance and choreography**

The defense of the dissertation will be held on \_\_\_\_\_ “\_\_\_”, 2019, at \_\_\_\_\_, at the meeting of the Scientific Council number DSc 27.06.2017. San.51.01 on awarding Scientific degrees under the Institute of Fine Arts. (Address: 100029, Tashkent, Mustaqillik maydoni, 2. Phone: (99871) 2394667, fax: (99871) 2391771). E-mail: siti1928@mail.ru).

The dissertation can be found in the library of the Institute of Fine arts (Address: 100029, Tashkent, Mustaqillik maydoni, 2. Phone: (99871) 2394667).

The abstract of the dissertation was distributed on \_\_\_\_\_ “\_\_\_”, 2018. (Registry protocol No “\_\_\_” from \_\_\_\_\_ “\_\_\_” 2018).

**A.A.Khakimov**

Chairman of the scientific council on awarding of scientific degrees, Doctor of art history, professor, Academician of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Academician of the Academy of Arts of Uzbekistan

**N.G.Karimova**

Academic secretary of the scientific council on awarding of scientific degrees, Candidate of art history

**I.A.Mukhtarov**

Chairman of the scientific seminar under the Scientific council on awarding scientific degrees, Doctor of art history, professor

ўрганиш М.Тўлаўжаеванинг монографиясида<sup>5</sup> ўз ифодасини топди ҳамда мазкур тадқиқот иши мустақилликнинг 1995 йилгача бўлган даврини ўз ичига олди. М.Раҳмонов, М.Қодиров, Т.Турсунов, Т.Баяндиев, С.Турсунбоев, Ҳ.Икромов, Т.Исломов, Э.Мухторов, С.Қодирова, Д.Қодирова, О.Ризаев<sup>6</sup> каби олимларнинг монографиялари, мақолалар тўпламида театр санъатидаги ижод жараёни ҳақида умумий тўхталиниб, спектакллардаги режиссёрлик талқини хусусида фикрлар баён этилди. Ўзбек театри режиссурасининг етуқ намоёндалари фаолияти таҳлил этилган ижодий портретлар ҳамда дарслик шаклидаги Э.Исмоилов, Н.Зоҳидова, М.Умаров ва Т.Йўлдошев, шунингдек, ўзбек театри режиссёрлари Б.Йўлдошев, О.Салимов, Тожи Муҳаммад, М.Абдуллаева, Б.Холмирзаевнинг<sup>7</sup> монография ва тўпламларида режиссёрлик санъатига оид фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Лекин таъкидлаш жоизки, мазкур тадқиқотларда мустақиллик даври ўзбек театри режиссураси яхлит ўрганилмаганлиги, унинг тараққиёти асосий йўналишлари назарий-таҳлилий асосда белгиланмаганлиги кузатилди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** замонавий ўзбек драма театри режиссураси тараққиётининг асосий йўналишлари, тенденциялари ва новаторлик изланишларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

европа типидagi янги театр кириб келишидан то бугунги кунгача режиссура ривожининг асосий босқичларини аниқлаш;

режиссёрнинг театр санъати ривожидagi ўрни ва аҳамиятини асослаб бериш;

<sup>5</sup>Туляходжаева М. Режиссура узбекского драматического театра. – Т. Гафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1995. – 86 б.

<sup>6</sup>Раҳмонов М. Ҳамза. Ўзбек Миллий академик драма театри тарихи. 1-китоб. – Т. Ғ.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. – 327 б; Қодиров М. Ўзбек театри анъаналари. – Т. Ғ.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1976. – 421 б; Турсунов Т. XX аср ўзбек театри тарихи. – Т. Art Press. 2010. – 567 б; Баяндиев Т. Санъат масалалари – театршунос нигоҳида. – Т. ЎзДСИ. 2009. – 204 б; Турсунбоев С. Ўзбек театри сарҳадлари. – Т. ЎзДСИ. 2010. – 310 б; Икромов Ҳ. Давр ва театр. – Т. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2009. – 240 б; Исломов Т. Тарих ва сахна. – Т. Ғ.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1998. – 136 б; Мухтаров И. Узбекский театр. – Т. “San’at” журнали. 2014. – 232 б; Қодирова С. Комедия санъати тарихи. – Т. “San’at” журнали. 2008. – 210 б; Қодирова Д. XX аср ўзбек театри сценографияси. – Т. “San’at” журнали. 2009. – 208 б; Ризаев О. Наби Раҳимов. – Т. Ғ.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1997. – 104 б.

<sup>7</sup>Исмоилов Э. Маннон Уйгур. – Т. “Тошкент” бадий адабиёт нашриёти. 1965. – 194 б; Захидова Н. Ташходжа Ходжаев. – Т. Ғ.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1980. – 168 б; Умаров М., Юлдашев Т. Режиссёрлик ва актёрлик санъати асослари. – Т. ЎзДСМИ. 2016. – 310 б; Баходир Йўлдошев макон ва замона. – Т. “San’at” журнали нашриёти. 2015. – 351 б; Салимов О. Касбим режиссёр. – Т. Ғ.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. – 187 б; Тожи Муҳаммад. Режиссёр. – Т. Адабиёт учқунлари. 2015. – 256 б; Абдуллаева М. Режиссура. – Т. Адабиёт учқунлари. 2016. – 176 б; Холмирзаев Б. Режиссёрнинг спектакль устида ишлаш жараёни. – Т. Мусика. 2009. – 232 б.

замонавий ўзбек драма театри режиссураси ривожининг асосий йўналишларини эътиборли спектаклларни таҳлил қилиш орқали хронологик тарзда таснифлаш;

режиссёрларнинг жаҳон театри эришган ютуқларни ўзбек сахна санъати анъаналари билан уйғун ҳолда ифодалаш бўйича тажрибаларини таҳлил қилиш;

режиссёрнинг драматург, актёр ва расом билан ижодий ҳамкорлиги масалаларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** замонавий ўзбек театри режиссурасидаги асосий тенденциялар, анъаналар, новаторлик изланишлари ва уларнинг спектакллардаги ифодаси деб белгиланди.

**Тадқиқотнинг предмети** замонавий ўзбек театрида режиссёрлик ижоди ва унинг мустақиллик йилларидаги тараққиёти жараёнидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотнинг назарий-методологик асоси замонавий санъатшунослик илмининг тарихийлик, анализ, солиштирма, қиёсий таҳлил мезони каби тадқиқот усуллари ҳисобланиб, улар спектаклни бадиий сахна асари сифатида кўриб чиқиш имконини беради.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

режиссуранинг тарихий шаклланиш жараёнида спектаклларнинг пластик, образли ва ифодавий ечимлари “ҳаққонийлик” ва “шартлилиқ” принциплари асосида ишлаб чиқилгани исботланган;

халқ анъанавий томоша санъатининг қизикчилик, масхарабозлик, муқаллидлик услублари воситасида фольклор-этнографик томошаларни сахналаштириш тенденцияси юзага келгани далилланган;

ижтимоий-психологик йўналишдаги спектакллар актёрлик ижросидаги натурализм услуби ҳамда шартли-мажозий ифода воситалари уйғунлигида сахналаштирилаётгани аниқланган;

янги давр режиссурасида пантомима, хореография ва рамзий декорациялар асосида талкин этилган фалсафий-поэтик йўналишдаги муаллифлик томошалари феномени пайдо бўлгани асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Мазкур диссертация республика театрларида фаолият олиб бораётган ёш режиссёрларга ўз ижодий йўналишини топиш, режиссурадаги анъаналар ва тарихий тажрибаларни ўрганиб, улар асосида ижод намуналарини юзага келтириш учун муҳим манба вазифасини бажаради;

олий ва ўрта-маҳсус таълим муассасаларида ўзбек драма театри режиссурасини ўрганишда ёрдамчи адабиёт бўлиши баробарида “Ўзбек театршунослиги”, “Замонавий ўзбек театри тарихи”, “Режиссёрлик санъати тарихи ва назарияси” каби фанларга оид дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** олинган хулосаларнинг тарихийлик, анализ, солиштирма, қиёсий таҳлил мезони каби тадқиқот усуллари билан асослангани, режиссёрлик санъатидаги тенденцияларни аниқлашда анъаналар ва новаторлик изланишларига таянилгани билан белгиланади.

ISMOILOV ANVAR KHAMDJONOVICH

THE MAIN TRENDS OF DEVELOPMENT OF DIRECTING IN THE  
MODERN UZBEK DRAMA THEATRE  
(1991-2016 years)

17.00.01 – Theatrical art

DISSERTATION ABSTRACT OF THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD)  
ON ART HISTORY

Tashkent-2019



режиссеров целесообразно Министерством культуры Республики Узбекистан организовать полугодовые или одногодичные курсы повышения квалификации, а также создать высшие режиссерские курсы при Государственном институте искусств и культуры Узбекистана с привлечением опытных мастеров зарубежного театра.

2. Необходимо сохранить и поднять на международный уровень смотр-фестиваль “Дебют”, который был специально организован для показа зрителям и специалистам первых творческих работ молодых режиссеров, это даст возможность обмениваться опытом с зарубежными молодыми коллегами и систематически знакомиться с особенностями ведущих тенденций развития мирового театра.

3. Целесообразно направлять молодых режиссеров для обмена опытом в страны с развитым театральным искусством Запада и Востока, в свою очередь почаще приглашать крупных зарубежных режиссеров, театральных деятелей для организации мастер-классов на более длительные сроки.

4. Рекомендуется организовать теоретические курсы для молодых режиссеров с участием крупных ученых театроведов, историков и литераторов для более глубокого изучения и постижения сути поэм А.Навои и других национальных и мировых классических произведений.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар театршунослик илмидаги мавжуд маълумотларни кенгайтиради ва тўлдиради. Спектакллар таҳлили орқали аниқланган режиссёрлик санъатидаги тенденциялар, анъаналар ва новаторлик изланишлари режиссёрлик санъати тарихи ва назарияси, режиссёрлик ва актёрлик санъати асослари фанларининг ривожига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти – олинган хулосалар ўзбек театридаги бугунги кун жараёнларини ўрганишда самарали фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, янги давр ўзбек театри тарихи, театршунослик, маданиятшунослик фанларидан тайёрланадиган дарслик ва ўқув қўлланмалари учун қўшимча манба бўлиб хизмат қилиши баробарида, ўзбек драма театри режиссёрларининг амалий фаолияти учун қўмак беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Замонавий ўзбек драма театри режиссураси тараққиётининг асосий йўналишлари тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

режиссёрларнинг малака ва тажрибаларини ошириш, миллий ва жаҳон мумтоз асарларини англаши ҳамда муносиб талқин қилиши бўйича таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан ташкил этиладиган “Сени қуйлаймиз, замондош!” Ўзбекистон театрларининг Республика кўрик-фестивали, “Дебют” ёш режиссёрлар Республика кўрик-фестивалининг концепциясини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 22 майдаги 01-11-05-3478-сон маълумотномаси). Натижада концепцияга киритилган таклиф ва тавсиялар томошабинларнинг маънавий олами ва эстетик диди шаклланиши учун муҳим бўлган бадиий пухта спектакллар саҳналаштириш, мустақиллик даври ўзбек театри режиссурасини комплекс тарзда ўрганишга хизмат қилган.

ижтимоий-психологик йўналишдаги спектаклларнинг актёрлик ижросидаги натурализм услуби ҳамда шартли-мажозий ифода воситалари уйғунлигида саҳналаштирилаётгани бўйича хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Madaniyat va ma’rifat” давлат унитар корхонасининг “Театрдан репортаж” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Madaniyat va ma’rifat” ДУКнинг 2019 йил 12 февралдаги 01-16/65-сон маълумотномаси). “Театрдан репортаж” кўрсатувида замонавий театр режиссурасидаги асосий йўналишлар, тенденциялар, анъаналар ва новаторлик изланишлари, ғоявий-бадиий яхлитлик масалаларидаги, шунингдек замондош образини талқин қилишдаги оқсашлар, режиссёрлик санъатидаги профессионаллик масалалари диссертантнинг фикр ва хулосалари асосида таҳлилий очиб берилиб, республика театрлари репертуаридаги кўплаб спектаклларнинг янада такомиллашувига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 6 та илмий мақола, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, хорижий журналда 1 та илмий мақола нашр этилди.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган бўлиб, умумий ҳажми 145 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқот объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазибалари белгиланган, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, диссертация мавзуси бўйича нашр этилган мақолалар, тадқиқот ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**“Европа типдаги ўзбек театрининг пайдо бўлиши ва шаклланиши”** деб номланган биринчи бобда ўзбек театрининг XX аср биринчи ўн йиллигида вужудга келган дастлабки вақтларидан то мустақиллик давригача бўлган тараққиёти жараёни тарихий-назарий ўрганилди. Боб уч параграфдан иборат. Биринчи бобнинг дастлабки параграфи “Ўзбек театри профессионал режиссурасининг вужудга келиши омиллари” деб номланиб, унда европа типдаги театрининг вужудга келиши ва режиссуранинг профессионаллашув жараёни ҳақида сўз юритилди.

М.Бехбудий, А.Авлоний, Мунаввар қори, Чўлпон ва бошқа бир қатор ўзбек зиёлилари XIX аср охири – XX аср бошларида театрчилик ҳаракатини амалга оширишга киришди. Натижада 1914 йили Самарқанд ва Тошкентда биринчи ёзма драматургия намунаси бўлган Бехбудийнинг “Падарқуш” асари асосида илк спектакллар сахна юзини кўрди. Кейинги йилларда европа типдаги замонавий театр шакл ва усулларини ўрганиш, ижодий ўзлаштириш, уларни миллий томоша санъати тажрибалари асосида қўллаш, реалистик театр унсурларини спектакль талқинида мужассам этишга интилиш кузатилди. 1914-1924 йиллар режиссура учун том маънода ижодий изланишлар ҳамда профессионал шаклланиш даврига айланди.

Режиссёрлик ва актёрлик санъатининг янада профессионаллашувида 1924 йилда Москвада, шунингдек, 1925 йили Боку шаҳрида ташкил этилган театр студияларидаги 3 йиллик ўқув жараёни ҳам муҳим роль ўйнади. Москва Бадий театри, Вахтангов театри ва бошқа театрларнинг спектакллари билан танишган ҳамда В.Канцель, Р.Симонов, О.Басов, Л.Свердлин сингари мутахассислардан дарс олган ёш ижодкорлар режиссура

конфликтов, постановочного и актерского единства, обнаруживает стремление к выражению резкого, острого драматизма в актерской игре.

В постановке западной классики режиссура опирается на исторический опыт узбекского театра, обогащает его новой, активной энергетикой выразительных средств. Обращаясь к мировой классике режиссура стремится к раскрытию общечеловеческих проблем, духовных, нравственных, моральных вопросов, утверждает честь, благородство, достоинство человека, продолжает традиции создания тонких, контрастных, внутренне конфликтных характеров героев.

Современная режиссура при постановке зарубежной драматургии 20 века понимает, что только на материале большой драматургии актеры могут оттачивать свое мастерство. Режиссерские решения отличаются строгой, организованной жанровой конструкцией спектаклей, психологически точной игрой актеров.

Режиссура мирового театра все чаще обращается к созданию авторских спектаклей. Данная тенденция имеет место быть и в режиссерском искусстве узбекской сцены. В спектаклях режиссеры стремятся отойти от традиционных форм театрального спектакля, обращаются к невербальному, бессловесному действию, проникнутого философско-поэтической направленностью, предлагают новые, оригинальные, своеобразные решения тем, характеров посредством сценического языка, метафор и символам, на основе пластики, пантомимы, клоунады, танцевально-ритмических композиций.

Необходимо отметить, что и в настоящее время продолжается творческое сотрудничество режиссеров с драматургами, художниками и композиторами. В этом процессе они опираются на исторический опыт узбекского театра. Мастера Б.Юлдашев, В.Умаров, А.Салимов, О.Ходжакулиев успешно сотрудничают с художниками Ш.Абдумаликовым, Б.Тураевым, Б.Исмаиловым, С.Седухиным, М.Сошиной и в их сотрудничестве проявляется синтез национальных, традиционных средств выразительности с новаторскими тенденциями мировой сценографии, а сотрудничество с композиторами А.Эргашевым, Д.Янов-Яновским, М.Бафоевым позволяет полнокровно отображать эпоху и место действия, выражать атмосферу спектакля.

В ходе исследования основных направлений режиссуры узбекского драматического театра периода независимости определен тот факт, что смена поколений режиссеров проходит болезненно и этот процесс становится основной проблемой в развитии режиссерского творчества. Количество работающих молодых режиссеров в театрах страны невелико. Однако отсутствие инициативы, самостоятельности в выборе пьес, реализации режиссерского замысла, а также поддержке со стороны старшего поколения становится своеобразным заслоном в их дальнейшей творческой работе по созданию интересных, значимых спектаклей.

В связи с вышеуказанной проблемой рекомендуются следующие практические предложения:

1. С целью продолжить прогрессивные тенденции “устоз-шогирид” (наставник-ученик) с участием опытных режиссеров Б.Юлдашева, М.Равшанова, А.Салимова, В.Умарова, О.Ходжакулиева для молодых

интерес к передовым, прогрессивным тенденциям западного театра, привело к утверждению театра условных, поэтических форм, образно-метафорического языка.

Современная режиссура узбекского театра обращается к приемам традиционного, фольклорного, площадного театра, использует традиции сценического реализма 50-70-х годов 20 века, следует принципам психологического театра в создании образов, стремится к созданию идейно-художественных, значимых сценических произведений, где существует яркая пластическая форма, содержательный, выразительный мизансценический ряд.

Режиссура успешно разрабатывает творческие идеи конца 80-х годов, которые привнесли в театр новый взгляд на понятие – интерпретация текста, сюжета, жанрово-стилистических особенностей спектакля. В 90-е годы 20-го столетия наблюдаются новые мотивы и тенденции в интерпретации национальной драматургии, классики Востока и Запада. Спектакли осуществляются в сочетании новаторских методов с традициями национального театра.

В период независимости в интерпретациях образов разных исторических эпох ярко проявляется в режиссерской стилистике философский, психологический и романтический подход. Герои являются великими государственными деятелями, мыслителями и деятелями науки, творчества. Однако режиссеры не идеализируют их, наоборот большое внимание уделяют их внутренним переживаниям. Наполнение образов внутренним содержанием, метафорическая образность средств выразительности придают спектаклям полноту художественного звучания.

В сценических интерпретациях классических произведений Востока прочитываются новые эстетические модели в освоении сложной философской сути, содержания произведения “Хамсы” великого поэта и мыслителя Востока А.Навои, его поэтической структуры, насыщенной суфистскими размышлениями, спектакли Б.Юлдашева, Н.Абдурахманова, О.Ходжакулиева отличаются условно-метафорической направленностью стилистических решений, сложностью композиционной структуры театральной формы.

В постановке комедийных спектаклей прослеживается внимание режиссеров к приемам и средствам народного традиционного искусства, использование современной сценой исполнительской школы масхарабозов, шутов, скоморохов, пантомимы. В деятельности режиссеров наблюдается тенденция постановок фольклорно-этнографических представлений, что обновляет и расширяет стилистическую палитру творческих поисков и решений.

В сценической интерпретации социально-психологических драм преобладает устремленность к острым нравственным проблемам современности, движение к живому реальному человеку, его судьбе. В современном быстро развивающемся технологическом мире в межличностных отношениях людей, в проявлении таких негативных явлений, как безучастность, эгоизм, равнодушие, режиссура видит в этом расширение и обогащение традиционного для нашего театра тем,

ва ижрочилик санъатидаги ўзлари учун янги бўлган ранг-баранг йўналишлар, усулларни кашф этди.

XX аср 20-йиллари охири ва 30-йилларида собиқ Ҳамза номли драма театрида М.Уйғур, В.Тихонович, В.Витт, П.Алексеев, О.Девিশев ва бошқа режиссёрлар турли йўналишлардаги ижодий изланишлари билан ўзбек театри ривож, режиссураининг янада шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, 1929 йили Маннон Уйғурнинг “Хужум” (В.Ян асари), В.Тихоновичнинг “Икки бойга бир малай” (К.Гольдони асари), В.Виттнинг “Менинг дўстим” (Н.Погодин асари) спектакллари ўзбек халқ театри анъаналарини сахнага кўчиришдаги изланишларга айланди. Шартлилик ва ҳаққонийлик ўртасидаги ўзига хос кураш ўзбек театри санъатида ҳам асосий ўринни эгаллади.

Режиссурада эришилган ютуқлар жаҳон мумтоз асарларининг сахна талқини устидаги изланишлар орқали янада мустаҳкамланди. Собиқ Ҳамза театрида Маннон Уйғур Шекспирнинг “Гамлет” трагедиясини сахналаштирди. “Уйғур Шекспир ижодини ўрганар экан, “Гамлет”нинг умуман қандай талқин этилишига эмас, балки унинг сахна тарихида йўл қўйилган хато ва камчиликларни билиб олишга”<sup>8</sup> ҳаракат қилган. Бу эса Гамлет образини ҳар томонлама етук ва баркамол шахс этиб талқин этишга ёрдам берган.

Диссертация биринчи бобининг “Режиссураининг шаклланиш босқичлари” деб номланган иккинчи параграфиде режиссёрлик санъатининг 1940 йилдан то мустақиллик давригача бўлган тараққиёти тадрижий равишда ўрганилди. Иккинчи жаҳон уруши даврида собиқ Ҳамза театрида сахналаштирилган Комил Яшиннинг “Ўлим босқинчиларга” (режиссёр М.Уйғур), Иззат Султоннинг “Бургутнинг парвози” (режиссёрлар И.Берсенов ва А.Турдиев), Ҳамид Олимжоннинг “Муқанна” (режиссёрлар С.Михоэльс ва М.Уйғур), Мақсуд Шайхзоданин “Жалолиддин” (режиссёр М.Уйғур) ва бошқа спектакллар монументал спектакллар вужудга келтириш бўйича амалга оширилган тажрибаларнинг мантиқий давомига айланган эди.

